

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

«ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLARI ТЎҒРИСИДА

«Электр энергетикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги ЎРҚ-225-сон Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси электр энергетикаси соҳасидаги маҳсус ваколатли орган;

Олдинги таҳтирга қаранг.

Электр энергетикада назорат инспекцияси («Ўзэнергоинспекция») электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи этиб белгилансин.

(1-банднинг учинчи хатбоиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июнданги 520-сонли қарори таҳтирида — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.06.2019 й., 09/19/520/3332-сон)*

2. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ягона электр энергетика тизимининг хавфсиз ва ишончли фаолият кўрсатишини, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи қондирилишини ҳамда «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган бошқа вазифалар ва ваколатлар самарали амалга оширилишини таъминласин.

Олдинги таҳтирга қаранг.

3. «Ўзэнергоинспекция» худудий бўлинмалар билан биргаликда ўз ваколатлари доирасида электр энергиясини ишлаб чиқаришда, узатишда ва истеъмол қилишда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилиши, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланилиши, шунингдек «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари ва талабларига оғишмай риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминласин.

(3-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июнданги 520-сонли қарори таҳтирида — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.06.2019 й., 09/19/520/3332-сон)*

Олдинги таҳтирга қаранг.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда «Ўзэнергоинспекция» раҳбарлари «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ваколатли органларга юклangan вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

(4-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июнданги 520-сонли қарори таҳтирида — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.06.2019 й., 09/19/520/3332-сон*)

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 17 февраль,
23-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралдаги 23-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг айrim қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишини давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 3-илованинг **18-банди** (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб туриш шартлари конунда белгиланади».

Олдинги таҳрирга қаранг.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июндаги 520-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.06.2019 й., 09/19/520/3332-сон)

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 июндаги 290-сон қарори 2-бандининг **биринчи хатбоши** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси энергетика тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг қабул қилинган бош дастурiga мувофиқ энергетика тармоғи корхоналарини монополиядан чиқариш, хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада ривожлантириш, тармоқнинг энергия ишлаб чиқаришни (ИЭС, ГЭС, ИЭМ), уни узатишни (магистрал электр тармоқлари), уни тақсимлашни ва сотишни таъминловчи (худудий электр тармоқлари) ягона электр энергетика тизими корхоналари функцияларини аниқ белгилаш, уларнинг ўзаро боғлиқ, мутаносиб ва ўзаро ҳамкорлиги бўйича ишларни изчил амалга оширсин».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига 2-илованинг **23-банди** (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 11-сон, 103-модда) қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Ҳисобга олиш ва етказиб берилган электр энергияси ҳажми бўйича ҳисботларнинг ишончлилиги, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгарлик ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг ва уларнинг электр билан таъминловчи корхоналари раҳбарлари, бош бухгалтерлари ҳамда бошқа мансабдор ва моддий жавобгар шахслари зиммасига юкланди».

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 6-7-сон, 53-модда; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.06.2019 й., 09/19/520/3332-сон)